

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI
QONUNCHILIK PALATASI VA MAHALLIY KENGASHLAR
DEPUTATLARI SAYLOVIDA ISHIROK ETUVCHI
SIYOSIY PARTIYALAR VA DEPUTATLIKKA
NOMZODLARNING SAYLOV KAMPANIYASI DAVRIDA
SAYLOVOLDI TASHVIQOTI TUG'RISIDA**

Сайловолди ташвиқоти даврида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловида иштирок этувчи сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар учун тенг имконият ва шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14, 16 ва 44 – 48-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бўйича депутатликка номзодларнинг ва сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти 2024 йил 22 сентябрдан бошланиши эълон қилинсин.

2. Сайловолди ташвиқоти даврида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил 2 июлдаги 1345-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодларнинг ва сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом талабларига қатъий риоя этилсин.

3. Сайловолди ташвиқоти даврида сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари сиёсий партияларга сайловда иштирок этиши учун ижозат берилган навбатини инобатга олиб, қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

биринчи – Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси;

иккинчи – Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси;

учинчи – Ўзбекистон Экологик партияси;

тўртинчи – Ўзбекистон Халқ демократик партияси;

бешинчи – Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар ва сиёсий партиялар учун сайловолди ташвиқоти даврида:

Ўзбекистон Миллий телерадиокмпаниясининг марказий телеканаллари, радиоканаллари ҳамда уларда бепул ажратиладиган эфир вақти ҳажми 1-1а-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Миллий телерадиокмпаниясининг ҳудудий телерадиоканаллари ҳамда уларда бепул ажратиладиган эфир вақти ҳажми 2-иловага мувофиқ;

“Янги Ўзбекистон”, “Правда Востока”, “Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Овози тожик”, “Нурли жол” газеталарида бепул ажратиладиган нашр майдони ҳажми 3 ва 3а-иловаларга мувофиқ;

маҳаллий газеталарда бепул ажратиладиган нашр майдони ҳажми 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Оммавий ахборот воситалари сайловолди ташвиқоти даврида:

бепул ажратиладиган эфир вақти ва нашр майдони доирасида сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга зарур шарт-шароитлар яратсин;

янгиликлар дастурларида ва бошқа ахборот материалларида сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловолди тадбирларини ёритишда тенглик принципига риоя қилсин;

бепул ажратилган эфир вақти ва нашр майдони доирасида эфирга узатилаётган ҳамда чоп этилаётган сайловолди ташвиқоти материалларини улар сайловолди ташвиқоти материаллари эканлигини қайд этиб бурсин.

6. Давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларида сиёсий партияларга ва депутатликка номзодларга ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати, Матбуот маркази, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази билан биргаликда сайловолди ташвиқоти мониторингини ташкил этсин ҳамда мониторинг натижаларини ҳар куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раҳбариятига тақдим этиб бурсин.

8. 2024 йилнинг 21 сентябрга қадар сиёсий партияларнинг ҳудудлардаги тегишли органларининг фикрини инобатга олган ҳолда ҳамда ушбу қарорнинг 2 ва 4-иловаларига мувофиқ:

ҳудудий сайлов комиссиялари тегишинча вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари сайлови бўйича сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун маҳаллий давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши вақтини белгиласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси сайлови бўйича сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби ва вақтини белгилаш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 41-моддасига асосан 2024 йилнинг 22 сентябрга қадар: депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти даврида депутатликка номзод этиб рўйхатга олинган сайлов округи доирасида давлат йўловчилар транспортининг барча турларида (бундан ҳамда йўловчи транспорти, такси ва бошқа транспорт турларининг буюртма йўналишлари мустасно) текинга юриш; сайлов округидан ташқарида яшовчи депутатликка номзодларнинг сайлов округига бориш ва яшаш жойига қайтиш учун уларда текинга юриш ҳуқуқларини таъминлашга доир зарур чораларни кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар, шунингдек, уларнинг ишончли вакилларининг сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ оммавий тадбирлар ўтказишда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

11. Депутатликка номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, сиёсий партиялар ва уларнинг вакиллари сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратиш, зарур маълумот ва ахборот материаллари билан таъминлашни сўраб давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳўкимияти органларига, жамоат бирлашмаларига, шунингдек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига мурожаат қилишга ҳўқли эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

12. Ҳўдудий, туман, шаҳар ва округ сайлов комиссиялари тегишли ҳўдудлардаги прокуратура органлари билан ҳамкорликда сайловолди ташвиқотини ўтказиш шартлари ва тартибига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширсин.

13. Ушбу қарор Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин ҳамда тегишли манфаатдор ташкилотларга юборилсин.

14. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси Расининг ўринбосари Б. Кучкаров зиммасига юклансин.

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASI**ЦЕНТРАЛЬНАЯ ИЗБИРАТЕЛЬНАЯ КОМИССИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАНCENTRAL ELECTION COMMISSION
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР
РЎЙХАТГА ОЛИНДИ****ҳамда 22 сентябрдан сайловолди
ташвиқотиға старт берилди**

Марказий сайлов комиссиясининг жорий йил 20 сентябрь кунни бўлиб ўтган мажлисида Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш ҳамда сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқотиға онд масалалар кўриб чиқилди.

Маълумки, Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови сайловнинг аралаш, яъни мажоритар ва пропорционал тизими асосида ўтказилади.

Бу йил парламентнинг қўйи палатасига сайланадиган бир юз эллик депутатнинг етмиш беш нафари бир мандатли сайлов округлари бўйича сайловчиларнинг бевосита аниқ бир номзодларга берган овозларига мувофиқ сайланади. Қолган етмиш беш нафари эса, ягона сайлов округи бўйича сиёсий партияларга берилган овозларга мутаносиб равишда сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхати (яъни партия рўйхати) асосида сайланади.

Мажлисида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон Экологик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси томонидан бир мандатли сайлов округлари бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш бўйича қарор қабул қилинди.

Шунга кўра, бешта сиёсий партия томонидан бир мандатли сайлов округлари бўйича Қонун-

чилик палатаси депутатлигига кўрсатилган жами 375 нафар номзод рўйхатга олинди.

Шунингдек, ягона сайлов округи бўйича Қонунчилик палатаси депутатлигига мазкур сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган жами 500 нафар партия рўйхатидаги номзодларни рўйхатга олиш бўйича Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Йиғилишда қайд этилганидек, миллий сайлов тажрибамизда илк мартаба бешта сиёсий партия томонидан барча даражадаги депутатлик ўринларига 100 фоиз номзодлар кўрсатилди.

Хусусан, сиёсий партиялар Қонунчилик палатасига жами 875 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 3 625 нафар, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига жами 24 850 нафар номзодлар, яъни барча сайлов округларида номзодлар тўлиқ кўрсатиш имконига эга бўлди.

Бунда, “Е-saylov” интерактив порталининг ишга тушгани ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу тизим орқали сиёсий партиялар номзодларнинг қонунчилик талабларига мослиги ҳўлати бўйича сайлов комиссиялари билан тезкор ишлаш имкониятига эга бўлди.

Мажлисида қайд этилганидек, Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар орасида аёллар сони 391 нафарни ёки 44,7 фоизни ташкил этди. Бу сайлов тарихимиздаги энг юқори кўрсаткичдир.

Авалги сайловларга қараганда номзодлар ҳам анча ёшарган. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ўртача ёши 47,2 ёш. Улардан 44,2 фоизи 45 ёшгача бўлганлар, 44,3 фоизи – 45-60 ёшдагилардир. Номзодлар орасида энг ёши 25 ёш.

**БИР МАНДАТЛИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
ДЕПУТАТЛИГИГА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР****ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASI DEPUTATLIGIGA
SIYOSIY PARTIYALAR TOMONIDAN K'RSATILGAN NOMZODLAR R'YKHATI (PARTIYA R'YKHATI)**

ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СДПдан ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА
БИР МАНДАТЛИ САЙЛОВ ОКРУГИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Номзод кўрсатган партия	Иш жойи ва эгаллаб турган лавозими
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЙЛОВ ОКРУГИ				
1	Абдираманова Шахзада Ниетбаевна	1988	“Адолат” СДП	Нукус шаҳри “Шымбай шайхана” маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси
2	Янгабаев Шухрат Курбанбаевич	1973	“Адолат” СДП	Беруний туман 1-сонли касб-хунар мактаби директори
3	Алланазаров Адилбек Рустамович	1988	“Адолат” СДП	Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазири
4	Юсупов Арисланбек Каипбергенович	1976	“Адолат” СДП	Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ САЙЛОВ ОКРУГИ				
5	Мусаева Малохатхон Казимджановна	1970	“Адолат” СДП	Ўзбекистон “Адолат” СДП Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари
6	Адхамжонова Мавлудахон Хамзаевна	1974	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси
7	Ходжамбердиев Хуршидбек Эгамбердиевич	1982	“Адолат” СДП	Андижон давлат университети Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори
8	Каримова Мукаддас Хамидуллаевна	1971	“Адолат” СДП	Андижон вилоят Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази раҳбари
9	Алиев Сухроб Райимжонович	1989	“Адолат” СДП	Андижон машинасозлик институти ўқув ишлари бўйича проректори
10	Тўхтабоев Нодирбек Ғанижонович	1979	“Адолат” СДП	Андижон вилояти статистика бошқармаси бошлиғи
11	Ахмедов Зокиржон Абдуллаевич	1968	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Андижон вилоят бирлашмаси раиси
БУХОРО ВИЛОЯТИ САЙЛОВ ОКРУГИ				
12	Ҳусенов Феруз Фирдавсович	1992	“Адолат” СДП	“Бухоро кичик ва ёшлар саноат зоналари дирекцияси” давлат муассасаси директори, Бухоро вилояти “Келажак лидерлар” клуби президенти
13	Наджимидинов Уткир Рустамович	1981	“Адолат” СДП	Бухоро вилояти спорт бошқармаси бошлиғи
14	Носирова Зилола Рамазоновна	1979	“Адолат” СДП	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги маркази Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари
15	Усмонова Шоҳида Суннатовна	1971	“Адолат” СДП	Ғиждувон туманидаги 61-ИДУМ директори
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ САЙЛОВ ОКРУГИ				
16	Хамракулова Ойдиной Рахмоновна	1966	“Адолат” СДП	Жиззах шаҳар 6-сонли умумтаълим мактаби директори
17	Қаршибоева Махсуда Тугаловна	1967	“Адолат” СДП	Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт техникуми директори
18	Шоназарова Дилбар Акабоевна	1964	“Адолат” СДП	Пахтакор тумани ҳокими ўринбосари - Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчиси
НАВОИЙ ВИЛОЯТИ САЙЛОВ ОКРУГИ				
19	Имомова Дилбарам Турсунтошевна	1969	“Адолат” СДП	Кармана тумани ахборот кутубхона маркази директори
20	Хайриддинова Гулмира Нориддиновна	1974	“Адолат” СДП	Қизилтепа тумани 21-сонли мактаб директори
21	Хужаев Дилшод Норсофорович	1988	“Адолат” СДП	Навоий вилояти Туризм бошқармаси бошлиғи ўринбосари
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ САЙЛОВ ОКРУГИ				
22	Касимова Ойшахон Ахмадовна	1968	“Адолат” СДП	Наманган вилояти перенатал маркази акушерлик ва гинекология ишлари бўйича директор ўринбосари
23	Султанов Сохобитдин Юсупович	1963	“Адолат” СДП	Наманган муҳандислик-технология институти молия-иқтисод ишлари бўйича проректори
24	Эргашев Ойбек Каримович	1982	“Адолат” СДП	Наманган муҳандислик-технология институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори
25	Исматиллаев Улуғбек Тохиржанович	1979	“Адолат” СДП	Наманган вилояти Адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
26	Хажиматова Ёрқиной Кучкаровна	1970	“Адолат” СДП	Ўзбекистон “Адолат” СДП Наманган вилоят кенгаши раиси ўринбосари
27	Жўраева Рисликхон Якубжановна	1956	“Адолат” СДП	Уйчи тумани “SANAM UYCHI” масъулияти чекланган жамияти раиси
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ САЙЛОВ ОКРУГИ				
28	Сулайманова Нилуфар Жаббаровна	1976	“Адолат” СДП	Самарқанд давлат чет тиллар институти “Инглиз тили назарияси ва адабиёти” кафедраси мудири
29	Сайдуллаева Манзура Нарзуллаевна	1970	“Адолат” СДП	Оқдарё тумани ФХДЁ бўлими мудираси
30	Утаев Акбар Жўрақулович	1975	“Адолат” СДП	Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилояти ҳудудий филиали бош врач
31	Исроилов Шухрат Юлдашович	1984	“Адолат” СДП	Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш бўлими бошлиғи
32	Арабов Нурали Уралович	1975	“Адолат” СДП	Самарқанд давлат университети “Инсон ресурсларини бошқариш” кафедраси мудири
33	Юзбаева Шоҳида Закиржановна	1985	“Адолат” СДП	Самарқанд давлат архитектура қурилиш университети “Механика муҳандислиги” кафедра ўқитувчиси
34	Давронова Маҳфуза Исроиловна	1974	“Адолат” СДП	Самарқанд давлат университети “Истиқлол даври адабиёти ва адабиёт назарияси” кафедраси доценти
35	Ахророва Маҳина Авазовна	1987	“Адолат” СДП	Самарқанд давлат университети Мактабгача ва бошланғич таълим факультети ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ САЙЛОВ ОКРУГИ				
36	Шайжигитов Адхам Шайжигитович	1986	“Адолат” СДП	Сирдарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
37	Абидова Хасият Ярибековна	1966	“Адолат” СДП	Сирдарё туманидаги 15-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ САЙЛОВ ОКРУГИ				
38	Мавлонов Зухриддин Эркинович	1984	“Адолат” СДП	Сурхондарё вилояти судининг фуқаролик ишлари бўйича судьяси
39	Ядгарова Нелуфар Саломовна	1984	“Адолат” СДП	Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар 27-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти директори
40	Худойбердиев Самандар Каландарович	1983	“Адолат” СДП	Давлат активларини бошқариш агентлигининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи
41	Боқиева Умида Рахматуллаевна	1981	“Адолат” СДП	Сариосиё тумани ФХДЁ бўлими мудираси
42	Мансуров Мирзоқул Абдухафизович	1982	“Адолат” СДП	“Худудгазтаъминот” акциядорлик жамиятининг “Худудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали директори
43	Маматқулов Абдулла Абдимуминович	1985	“Адолат” СДП	“Сурхондарёсувқурилиш-инвест” давлат унитар корхонаси директори
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВ ОКРУГИ				
44	Ахмедова Дилфуза Муталовна	1967	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Тошкент вилояти ташкилоти раиси
45	Мирсултонов Миразиз Бахром ўғли	1990	“Адолат” СДП	Тошкент вилояти Ёшлар ишлари бошқармаси бошлиғи
46	Бакиров Шавкат Сайдмуратович	1984	“Адолат” СДП	“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Тошкент филиали директори
47	Зухриддинов Козимжон Низомиддин ўғли	1987	“Адолат” СДП	Бўстонлиқ тумани “Bo'stonliq Kartoshkachilik Markazi” қўшма корхонаси раҳбари
48	Халбаева Дилрабо Джурабековна	1979	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси
49	Камалов Рустам Жамалович	1974	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) Тошкент вилоятидаги минтақавий вакили
50	Худайбердиев Санжарбек Явкочович	1981	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси Ижтимоий соҳада бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари вазифасини бажарувчи

ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СДПдан ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА
БИР МАНДАТЛИ САЙЛОВ ОКРУГИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Номзод кўрсатган партия	Иш жойи ва эгаллаб турган лавозими
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ САЙЛОВ ОКРУГИ				
51	Махмудова Саида Шавкатовна	1974	“Адолат” СДП	“Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ хотин-қизлар кенгаши раиси
52	Валиев Мухаммад Шералиевич	1986	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси
53	Юлдашев Азимжон Комилович	1973	“Адолат” СДП	Савдо-саноат палатаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи
54	Обидова Гулмира Кузибаевна	1986	“Адолат” СДП	Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали “Хорижий тиллар” кафедраси мудири
55	Халмирзаев Улуғбек Турсунбоевич	1981	“Адолат” СДП	“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки Фарғона вилоят филиали бошқарувчиси
56	Ибраҳимова Нигорахон Расуловна	1973	“Адолат” СДП	Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона филиали директори
57	Юнусов Зиёдбек Алишерович	1988	“Адолат” СДП	Фарғона политехника институти проректори
58	Норматова Шахноза Анваровна	1976	“Адолат” СДП	Central Asian Medical University халқаро тиббиёт университетининг Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ САЙЛОВ ОКРУГИ				
59	Палванова Умида Бахрамовна	1993	“Адолат” СДП	Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали “Онкология ва нур ташхиси” кафедраси ўқитувчиси
60	Махмудов Мадатбек Бектурдиевич	1984	“Адолат” СДП	“Хазорасп эркин иқтисодий зона дирекцияси” давлат унитар корхонаси директори
61	Палванов Тахир Марксович	1975	“Адолат” СДП	Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали директори
62	Абдуллаева Зебогул Эркинбаевна	1989	“Адолат” СДП	Янгибозор тумани “Юқорибошқир” маҳалласи хотин-қизлар фаоли
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ САЙЛОВ ОКРУГИ				
63	Мирзаев Мансур Холбутаевич	1983	“Адолат” СДП	“Қарши минтақавий темир йўл узели” УК бошлиғи
64	Рузиева Зилола Рахматовна	1986	“Адолат” СДП	Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази Ревматология бўлими бошлиғи
65	Джураев Хуршид Ғайбуллаевич	1983	“Адолат” СДП	Қарши давлат университети молия-иқтисод ишлари бўйича проректори
66	Эргашева Гуласал Эшдавлатовна	1983	“Адолат” СДП	Ғузор туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактаби директори
67	Ҳайитов Эркин Шаймардонович	1978	“Адолат” СДП	“Яйлов ҳўжалигини ривожлантириш” уюшмаси раиси
68	Абдуллаева Рисолат Суннатовна	1981	“Адолат” СДП	Қашқадарё вилоят юридик техникуми директори
69	Аликулова Мухаббат Манноновна	1983	“Адолат” СДП	Қарши давлат университетининг Тиббиёт факультети декани
ТОШКЕНТ ШАҲАР САЙЛОВ ОКРУГИ				
70	Агзамова Гулрух Анваровна	1968	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси
71	Ташланова Назокат Рустамовна	1985	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ижрочи директори
72	Абдуллаева Ойдин Утамурадовна	1976	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси
73	Сатвалдиев Нодиржон Абдувахидович	1985	“Адолат” СДП	Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари
74	Шарифова Сайёра Нуриддиновна	1981	“Адолат” СДП	Тошкент шаҳар дизайнерлар ва технологлар тайёрлаш техникуми директори ўринбосари
75	Маҳкамбаева Махбуба Акмалевна	1962	“Адолат” СДП	“Соғлом авлод учун” ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди Тошкент шаҳар таянч маскани директори

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СДПдан
ПАРТИЯ РЎЙХАТИ БЎЙИЧА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

1	Махмудова Робахон Анваровна	1958	“Адолат” СДП	Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси
2	Умаров Нариман Маджитович	1952	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси
3	Борисова Елена Михайловна	1955	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси раиси
4	Ташкулов Акбар Джурабаевич	1971	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири
5	Салимова Манзура Алимовна	1962	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Сенатида доимий асосда ишловчи сенатор
6	Бурханов Акмал Эшондедаевич	1981	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори
7	Курбонбоев Мақсудбек Комулович	1973	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси
8	Комполшик Елена Александровна	1966	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси
9	Джанибекова Нодира Абдусаломовна	1973	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси
10	Исмаилов Дилмурод Махмудович	1980	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси
11	Абдувохидова Гулнорахон Абдуғаниевна	1971	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсманнинг) Андижон вилоятидаги минтақавий вакили
12	Тўхтамуродов Беҳзод Тоир ўғли	1996	“Адолат” СДП	Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази директорининг илмий ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича ўринбосари, Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси
13	Якубов Шухрат Умматалиевич	1981	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бошқармаси бошлиғи
14	Рашидова Надира Илхамовна	1973	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни тартибга солиш бошқармаси бош маслаҳатчиси
15	Мамараджабов Бобир Эргашевич	1980	“Адолат” СДП	“Ўзмиллийбанк” АЖ Самарқанд вилояти филиали бошқарувчиси
16	Жўраева Мохигул Азимжановна	1969	“Адолат” СДП	Андижон давлат тиббиёт институти “1-умумий амалиёт шифокорлар тайёрлаш” кафедраси мудири
17	Абдусаттаров Тулкин Сайфуллаевич	1978	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисдаги ваколатли вакили
18	Мирсоатов Алишер Кудратуллаевич	1974	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси
19	Ташмухамедова Дилорам Гафурджановна	1962	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари
20	Эргашев Восиджон Ёқубович	1978	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти директори ўринбосари
21	Худойқулов Қахрамон Абдуғаппорович	1972	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти директори ўринбосари
22	Тилеумуратов Азамат Азатович	1979	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Қорақалпоғистон Республикаси Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари
23	Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна	1978	“Адолат” СДП	Андижон давлат тиббиёт институти “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси мудири
24	Мамажонов Иқболжон Икромович	1987	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Чакана бизнес департаменти директори
25	Рахимова Гулнора Хашимовна	1975	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СДПдан
ПАРТИЯ РЎЙХАТИ БЎЙИЧА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Номзод кўрсатган партия	Иш жойи ва эгаллаб турган лавозими
26	Дехканов Наримон Бурхонжонович	1984	“Адолат” СДП	Наманган давлат университетининг Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори
27	Мисиров Шодмон Чориевич	1980	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Сурхондарё вилояти филиали раҳбари ўринбосари
28	Закирова Рано Батировна	1969	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Киноарбоблари ижодий уюшмаси аъзоси
29	Каримов Дилмурод Рахимжонович	1983	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси
30	Ибрагимова Зухра Аметовна	1965	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари
31	Рахмонов Абдукамол Шодиевич	1960	“Адолат” СДП	Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари
32	Джураев Қодир Асадович	1972	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари
33	Хушвақтова Маҳфурат Джаббаровна	1973	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси
34	Кудратов Иномжон Саттаркулович	1978	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари
35	Сайдганиева Гулбахор Шарабидиновна	1969	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси
36	Окюлов Оманбай	1953	“Адолат” СДП	Тошкент давлат юридик университети “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси профессори
37	Хамзаев Дилшод Баймуродович	1969	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси
38	Мамирова Олтиной Туланбоевна	1980	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси
39	Чориев Тавакал Равшанович	1967	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси
40	Коржикова Инна Ивановна	1968	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси
41	Умиров Абдигани Эргашевич	1964	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси
42	Ҳамраев Ислон Хамзаевич	1966	“Адолат” СДП	Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари, “Adolat” ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири
43	Абдиева Музафара	1957	“Адолат” СДП	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси
44	Расулов Улуғбек Абдусамиевич	1980	“Адолат” СДП	Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари
45	Дадаходжаева Мухаррам Эсануллаевна	1973	“Адолат” СДП	Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси
46	Тухтасинов Илхомжон Мадаминович	1980	“Адолат” СДП	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори
47	Шарапова Мухаббат Араповна	1949	“Адолат” СДП	Қарши давлат университети профессори
48	Фозилов Хуршид Ғайратович	1976	“Адолат” СДП	Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори
49	Абдуллаев Икром Искандарович	1966	“Адолат” СДП	Хоразм Маъмун академияси раиси
50	Даманова Шохида Марс қизи	1986	“Адолат” СДП	Жиззах вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
51	Парпиев Одилхўжа Раимхўжаевич	1965	“Адолат” СДП	Академик С.Азимов номидаги материалшунослик институти директори
52	Касимов Дониёр Аброрович	1966	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика онкология илмий маркази шифокори
53	Саидова Гулнисо Рустамовна	1985	“Адолат” СДП	Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати бошқарма бошлиғи
54	Норлиев Рустам Ибрагимович	1971	“Адолат” СДП	Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори
55	Қурбонова Азиза Тахировна	1981	“Адолат” СДП	Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати бўлим бошлиғи
56	Раупов Сирожиддин Пулатович	1967	“Адолат” СДП	“Шарқ юлдузи” ва “Звезда востока” журналлари бош муҳаррири
57	Исоқов Ҳожи-Мурод Исроилович	1961	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг директори
58	Айимбетова Гулхатша Аймановна	1961	“Адолат” СДП	"Айқулаш" қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли вокал артисти
59	Юнусов Исроил Талипджанович	1974	“Адолат” СДП	"REALTEX" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси
60	Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна	1958	“Адолат” СДП	Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлинмаси раҳбари
61	Азизов Мирмахмуд Миршахидович	1979	“Адолат” СДП	Учтепа туманидаги “JACKSOFT MEDICAL DIAGNOSTICS SERVIS” хорижий инвестиция иштирокидаги масъулияти чекланган жамияти директори
62	Урманова Райхона Артикбаевна	1974	“Адолат” СДП	Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати бошқармаси бошлиғи
63	Каипбергенов Нурлибай Тулепбергенович	1962	“Адолат” СДП	Ўзбекистон “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий кенгаши раиси
64	Шукуров Ориф Жумабаевич	1986	“Адолат” СДП	Ўзбекистон “Адолат” СДП Жиззах вилояти кенгаши раиси
65	Мирзамахмудова Дилноза Нематджоновна	1986	“Адолат” СДП	Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати Котибият ва архив мудир
66	Камилов Халиджан Махамаджанович	1945	“Адолат” СДП	Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази “Офтальмология” кафедраси профессори
67	Ахмедов Мухаммат-Али	1942	“Адолат” СДП	Халқаро Амир Темур жамоат фонди бошқаруви раиси
68	Худайбергенова Майсара Бектурдиевна	1974	“Адолат” СДП	Боғот тумани 36-умумтаълим мактаби директори
69	Садиков Шухрат Шавкатович	1962	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси
70	Уринбаева Севара Кучкаралиевна	1985	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси Мультимедиа бўлими бошлиғи
71	Эргашев Икром Абдурасулович	1988	“Адолат” СДП	Тошкент давлат юридик университети Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи
72	Саифназаров Исмаил	1948	“Адолат” СДП	Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Ижтимоий гуманитар фанлар” кафедраси профессори
73	Абдисаметова Гаухар Оракбаевна	1973	“Адолат” СДП	Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари
74	Азизов Абдулла Абдисаламович	1981	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори
75	Қобилова Назира Камаридиновна	1972	“Адолат” СДП	Избоскан тумани ҳокими ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи
76	Ширинов Темир	1950	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуа раҳбари
77	Эргашев Сарвар Атакулович	1981	“Адолат” СДП	Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати бошқарма бошлиғи
78	Яркулова Юлдузхон Газимовна	1970	“Адолат” СДП	Кармана туманидаги “VOHID MUSO” фермер хўжалиги раҳбари
79	Махмудов Муродилжон Элмурод ўғли	1995	“Адолат” СДП	Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати бошқарма бошлиғи
80	Мамадиярова Насибали Аблакуловна	1969	“Адолат” СДП	Булунғур тумани ҳокими ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи
81	Иброҳимов Бахтиёр Иброҳимович	1958	“Адолат” СДП	Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати бошқарма бошлиғи
82	Артиков Абдирашид Заирович	1953	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Сурхондарё вилоятидаги минтақавий вакили
83	Турғунбоева Азизахон Ғуломовна	1974	“Адолат” СДП	Наманган давлат педагогика институти Магистратура бўлими бошлиғи
84	Муродов Акмал Анварович	1979	“Адолат” СДП	Навоий вилоят маъмурий судининг раиси

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СДПдан ПАРТИЯ РЎЙХАТИ БЎЙИЧА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Номзод кўрсатган партия	Иш жойи ва эгаллаб турган лавозими
85	Убайдуллаева Зухра Ибрагимовна	1963	“Адолат” СДП	Тошкент шаҳар “Қон препаратлари” илмий-ишлаб чиқариш корхонаси директори
86	Тешабоев Акбаршоҳ Адхамжон ўғли	1992	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти Маъмурий-ҳуқуқий, жиноий-ҳуқуқий фанлар бўлими бошлиғи
87	Матрасулов Давлатназар Рахимберганович	1972	“Адолат” СДП	Қибрай тумани Адлия бўлими бошлиғи
88	Мухитдинова Насибахон Келдибоевна	1972	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Миллий университети “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси катта ўқитувчиси
89	Тиркашев Жамшид Уктамович	1981	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси
90	Даминова Шахло Шариповна	1974	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Миллий университети “Ноорганик кимё” кафедраси профессори
91	Сулайманов Одилжон Раббимович	1981	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бош илмий ходими
92	Ишанкулов Фарход Парманович	1986	“Адолат” СДП	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича марказ бош мутахассиси
93	Баратова Мадина Муминджоновна	1982	“Адолат” СДП	Самарқанд тумани ҳокими ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи
94	Абдуҳамидов Фаррух Аззам ўғли	1992	“Адолат” СДП	Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва аҳолининг давлат ҳокимиятига ишончини мустаҳкамлаш бўлими бош мутахассиси
95	Ахмедходжаева Зулфия Собитовна	1972	“Адолат” СДП	Наманган вилоят адлия бошқармаси Нодавлат нотижорат ташкилотлари бўлими бошлиғи
96	Отарбаев Рауаж Жиенбаевич	1980	“Адолат” СДП	Ўзбекистон “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари
97	Жумаев Жонибек Равшанович	1987	“Адолат” СДП	Ғиждувон тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари
98	Холиқова Тозагул Исроиловна	1975	“Адолат” СДП	Жомбой тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи
99	Исмоилов Шуҳратжон Абдусаминович	1980	“Адолат” СДП	Тошкент давлат юридик университети “Меҳнат ҳуқуқи” кафедраси мудир
100	Хуснитдинова Юлдуз Мадатовна	1975	“Адолат” СДП	Ўзбекистон давлат консерваторияси Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ ҳамда 22 сентябрдан сайловолди ташвиқотига старт берилди



Имом ат-Термизийнинг 1200 йиллигига



ҲАДИСШУНОСЛИК ИЛМИНИНГ БУЮК АЛЛОМАСИ

Иккинчи мақола



Имом ат-Термизийнинг ҳадис илмидаги жуда катта хизматлари, уни ҳар томонлама такомиллаштиришда ва келгуси авлодларга соф ҳолда етказишдаги буюк фаолиятини кўп таниқли олимлар юқори баҳолаганлар. Ҳадис имомларидан бири Абдурахмон Ибн Муҳаммад ал-Идрисий: «Ат-Термизий ҳадис илмида иқтидо қилинадиган имомлардан биридир», деб ёзса, Тақиюддин Ибн Таймийя «Абу Исо ат-Термизий биринчи бўлиб ҳадисларни саҳиҳ, ҳасан, заифга тақсим қилган олимдир», деб гувоҳлик беради.

Ҳофиз ибн Ражаб ўзининг «Шарҳ ила-л-Жомий» номли китобида: «Билгилки, имом ат-Термизий биринчилардан бўлиб ўз китобларида ҳадисни саҳиҳ, ҳасан ва ғарибга бўланлар», – деб алломанинг ҳадис илми соҳасидаги хизматларини алоҳида таъкидлайди. Ат-Термизий асарининг барчага – кенг оммага фойдали ҳақида ал-Ҳофиз Абул Фазл Муҳаммад ибн Тоҳир ал-Муқаддасий: «Мен учун имом ат-Термизийнинг «Ал-Жомий» таснифи имом ал-Бухорий ва имом Муслим ибн ал-Ҳажжож асарларидан кўра ҳам фойдалироқдир. Чунончи, ал-Бухорий ва Муслимнинг китобларидан кўпунча фақат ўқимишли, зиёли кишиларгина фойдаланади. Аммо Абу Исо ат-Термизийнинг асаридан эса ҳар бир истаган киши бемалол фойдалана олади», – деб ёзган эди.

Шу нарсани алоҳида қайд этиш зарурки, имом ат-Термизийнинг ушбу асарида ҳадис илмининг турли масалалари каби ровийлар масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган. Бу жиҳатдан асар муаллифининг бошқа асарларидан тўдан ажралиб туради ва бу ҳол унинг катта илмий ва амалий аҳамиятга молик асар эканлигини тасдиқлайди.

Унинг асарини бошқа асарлардан ажратиб турган яна бир жиҳати – асарда муаллиф ўз мақсадини – бу ровийлар ҳақида, ҳадисларнинг даражаси хусусида, ҳадислардаги иллатларни баён қилишда, фикций боблардаги маъноларда – билдиришда очик-ойдин ва тушунарли ҳолда ифода қилади. У ўз китобида фақат энг тўғри (асаҳху) ҳадислар билан чегараланиб қолмайди. У саҳиҳ ва энг тўғри (асаҳху), ҳасан, заиф, солим (соғлом), иллатли ҳадисларни ҳам зикр қилади. Имом ат-Термизий асарининг ана шундай афзал ва фойдали томонлари хусусида ал-Ҳоким ан-Найсобурий «Ал-Мадҳал ило маърифат китоб ал-иклийл», ал-Муқаддасий «Шурут ал-иммат ас-ситта» каби асарларида алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

Абу Исо ат-Термизийнинг

бошқа бир муҳим асари «Аш-Шамойл ан-набавия» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари») деб аталади. Бу асар баъзи манбаларда «Аш-Шамойл фи шамойл ан-набий саллолоху алайҳи ва саллам», «Аш-Шамойл Муҳаммадия» номлари билан ҳам келтирилган. Асар Пайғамбар (с.а.в.)нинг шахсий ҳаёти, у зотнинг сурат ва сийратлари, ажойиб фазилат ва одатларига оид тўрт юзу саккиз ҳадиси шарифни ўзига жамлаган қимматли манба бўлиб, бу ўринда шунини таъкидлаш кераки, ушбу мавзу, яъни Пайғамбар (с.а.в.)нинг фазилатлари, одатлари ҳақидаги ҳадисларни тўплаш билан жуда кўп олимлар, муҳаддислар шугулланганлар ва бу хилдаги ҳадислар турли-туман китоблардан ўрин олган. Лекин ат-Термизий асарининг бошқалардан афзаллиги ва қиммати шундаки, муаллиф имкони борича Пайғамбар (с.а.в.) фазилатларига доир барча ҳадисларни мунтазам равишда тўплаб, мантиқан изчил бир ҳолатда тартибга келтирган ва ўзига хос мустақил, яхлит китоб шаклида тасниф қилган. «Аш-Шамойл ан-набавия» азалдан ислом-шунос олимлар ва тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келади. Араб тилида битилган ушбу асарга бир қанча шарҳлар ва ҳошиялар ҳам ёзилган. Улардан Абдурауф ал-Муновий ал-Мисрийнинг «Шар-ху-ш-Шамойл», Али ибн Султон ал-Ҳаравий ал-Қорийнинг «Жамъу-л-васойл фи шарҳи-ш-Шамойл», Сулаймон ибн Умар ибн Мансур ал-Жумалнинг «Ал-Мавоҳиб ал-Муҳаммадия би шарҳ аш-Шамойл ат-Термизия» (бу асарнинг бир қўлёзмаси Қоҳирадаги ал-Азҳар кутубонасида (ҳадис илми қисми) 144-рақам остида сақланмоқда), Муҳаммад ибн Жасус ал-Моликийнинг «Ал-Фавоид ал-жаилия ал-баҳийя ала «Аш-Шамойл ал-Муҳаммадия» (бу асар 1927 йилда нашр қилинган) ва нихоят, ал-Азҳарнинг собиқ шайхи Иброҳим ал-Божурийнинг «Ал-Мавоҳиб ал-Ладуния ала «Аш-Шамойл ат-Термизия» каби шарҳларини кўрсатиш мумкин.

Кези келганда шунини ҳам таъкидлаш кераки, асарнинг тили оддий ва раван бўлиб, услуби ғоятда соддалиги билан ҳам кўпчилик асарлар-

дан ажралиб туради. Муҳим тарихий манба сифатида «Аш-Шамойл ан-набавия» форс ва турк тилларига ҳам таржима қилинган. 1248 ҳижрий йили Ҳисомиддин ан-Нақшбандия томонидан туркий тилга қилинган таржимаси араб тилини билмайдиган туркий халқлар учун ғоятда фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Асарда бекаму кўст келтирилган Пайғамбаримиз (с.а.в.)га мансуб юксак инсоний фазилатлар, у зотнинг гўзал хулқи муборақлари, ҳар қандай таҳсинга сазовор сифату сийратлари ҳақида тўла ва мукаммал маълумотга эга бўламизки, шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси замонамиз ахлининг, айниқса, ёш авлоднинг маънавий ва ахлоқий тарбиясида муҳим аҳамиятга моликлари, бу бебаҳо асарнинг бугунги кунда ҳам нақадар катта қимматга эгалигини кўрсатади.

«Аш-Шамойл ан-набавия»нинг XVI асрга оид бир ажойиб қўлёзмаси Тошкентда, Ўзбекистон муслимонлари идораси кутубонасида сақланмоқда. 1980 йилда мазкур идора буюртмаси билан «Аш-Шамойл ан-набавия»нинг ушбу қўлёзмаси офсет тариқасида нашр этилган бўлиб, ундаги қисқача сўзбоши собиқ Ўрта Осиё ва Қозғистон муслимонлари диний бошқармаси хайъатининг расиси, марҳум муфтий Зиёвуддин-хон Ибн Эшон Бобохон ҳазратлари томонидан ёзилган. Бундан ташқари, «Аш-Шамойл ан-набавия»нинг айрим қўлёзмалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ҳам сақланмоқда.

Имом ат-Термизийнинг бизгача етиб келган «Ал-Илал фи-л-ҳадис» («Ҳадислардаги иллатлар ёки нуқсонлар») номли муҳим асари ҳам бўлиб, у, асосан, икки мустақил асардан ташкил топган. Улардан бири «Ал-Илал ал-кабир» ёки «Ал-Муфрад» номи билан аталиб, баъзи олимларнинг фикрича, ат-Термизийнинг бу асари бизгача етиб келмаган. Гарчанд аксар тадқиқотчилар ҳам шундай фикрда бўлсалар-да, Имом ат-Термизийнинг ҳаёти ва фаолиятига доир махсус рисола ёзган олим Нурриддин Атар (ушбу рисола-нинг Байрутда 1988 йилда чоп этилган иккинчи нашрида) Туркиянинг қимматли қўлёзмаларга бой кутубоналаридан бирида ат-Термизийнинг «Ал-Илал ал-кабир» асарининг ягона қўлёзмасини кўргани ва ундан фотонусха олиб ўз тадқиқотининг ушбу қайта нашрида фойдалангани ҳақида ёзади. Унинг айтишича, ат-Термизий «Ал-Илал ал-кабир»ни таълиф этган пайтда уни бобларга бўлмаган ҳолда ёз-

ган. Аммо кейинчалик бу ажойиб китоб олим Абу ал-Валид ал-Қозий томонидан тартибга келтирилиб, бобларга ажратилган ва китоб охиридаги мустақил бир боб ҳадислар рижол(ровий)лари ҳақида фикр-мулоҳазаларни ўз ичига қамраган.

«Ал-Илал»нинг иккинчиси «Ал-Илал ас-сағир» деб аталиб, у муаллифнинг бош асари «Ал-Жомий ас-саҳиҳ»га бевосита алоқадор бўлганлиги сабабли хотима тариқасида ушбу асарнинг охирида келтирилган. Умуман олганда, арабча «илал» сўзи «иллат»нинг кўплиги бўлиб, ўзбекча касал, бетоб, хаста, ноқис, иллатли, оғиш каби маъноларини англатади. Ҳадис илмида илал масаласи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу соҳа вакиллари ҳадисларда ҳар хил сабабларга кўра ровийлар томонидан содир этилган заифлик, ноаниқлик, ғалат, хато, саҳву янглишларни таҳлил қилишдек нозик ва ўта масъулиятли вазифа билан шугулланади. Кўпгина муҳаддисларнинг ҳадисларга бу жиҳатдан ҳам катта эътибор бериб асарлар яратгани бу илмининг ислом таълимотида ғоятда фойдали ва муҳим аҳамият касб этганидан далолатдир.

Имом ат-Термизийнинг ўзи «илал» масаласи хусусида «Бу (илал) масалада узоқ вақт фикр-мулоҳаза юртдими, бунинг боиси шундаки, биздан шу хусусда сўралганда, олдин ўз нуқтаи назаримизни очик-ойдин айтмадик. Сабаби – биринчидан, биздан аввал илал масаласи хусусида сўралган бир қанча уламолар ҳам ўз фикрларини билдирмаганлар, иккинчидан, баъзи муҳаддислар ўрталарида ҳадисда сиқа бўлган ровийларнинг хато, янглиш ва ваҳмларини айтиш ғўйбат бўлади, деган уламолар ҳам бор эдилар. Сўнг одамлар жамият манфаатларини ўйлаб, бир қанча машҳур муҳаддислар, хусусан, Имом ал-Бухорий ила бир неча йиллик мулоқот бўлгандан кейин ҳамда мазкур фикрга алоқадор ривоятларни эшитгандан кейин илал масаласини ошқор қилишга жазм қилдим. На Ироқда, на Хуросонда илал, тарих ва иснодлар соҳасида имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдан билимдонроқ кишини кўрмадим», дейди.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, Имом ат-Термизий ҳадис илмининг равнақиға муносиб ҳисса қўшган буюк аллома сифатида улуғланади.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Тақдимот

Янги ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИГА ТУТИЛГАН КЎЗГҮ



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида сиёсий фанлар доктори, профессор Қодир Жўраевнинг «Ўзбекистон Республикаси ва Ҳаҳон ҳамжамияти» номли китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат соҳасидаги мамлакатимиздаги етакчи олимлар, давлат ва жамоат арбоблари, пойтахтимиздаги турли олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабалар, Миллий кутубхонага ташриф буюрган меҳмонлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Китобдаги содда ва раван, илмий жиҳатдан тизимлаштирилган мақолалар турли йилларда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Адолат», «Халқ сўзи», «Янги Ўзбекистон» каби газеталар, «Халқаро муносабатлар», «Ижтимоий фикр», «Қалқон», «Хуқуқ ва бурч», «Жамият ва бошқарув», «Фуқаролик жамияти», «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» каби нуфузли журналларда, шунингдек, телеграм ижтимоий тармоғидаги «Qodir Djurayev kundaligi» каналида доимий нашр этиб келинган.

Таъкидландики, юзга яқин сараланган таҳлилий мақолалар жамланган мазкур илмий-оммабоп тўплам мамлакатимизнинг замонавий ташқи сиёсати ва халқаро муносабатларини ёритиб берган янги манба ҳисобланади. Тақдимот маросими иштирокчиларининг фикрича, «Мазкур китоб мамлакатимиз ташқи сиёсатининг сўнгги йиллардаги замонавий тенденцияларини ўра-нишда муҳим аҳамиятга эга. Уни янги Ўзбекистон кўп векторли ташқи сиёсий фаолиятига тутилган кўзгү, деб таърифлаш мумкин».

Дарҳақиқат, китобни 2016-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатидаги энг муҳим воқеаларнинг ўзига хос илмий-таҳлилий солномаси, дейиш мумкин. Муаллиф Ўзбекистоннинг ҳамкор давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини замонавий халқаро муносабатлар контекстида очиб беради.

Бугунги кунда трансформация жараёнларини бошидан кечираётган, барқарор тараққиёт мақсадлари сари дадил интилаётган, миллий манфаатлар мутлақ устуворлиги тамойиллари асосида изчил ташқи сиёсат олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси бутун дунё учун ҳамкорликка очик, ишончли ва масъулиятли шерикка айланди.

Муаллиф жаҳоннинг турли мамлакатлари, хусусан, қудратли куч марказлари билан мувозанатли, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатадиган Ўзбекистон Республикасининг сўнгги етти йил ичида халқаро майдонда эришадиган ютуқлари сабабларини батафсил очиб беради.

Чунончи, Марказий Осиё давлатларининг эндиликда халқаро майдонда ягона ва яхлит, баҳамжиҳат ва аҳил, жиғислаётган ва конструктив жуғрофий-иқтисодий макон сифатида гавдаланиб бораётганини тадрижий мисолларда акс эттиради.

Бундан ташқари, асосий ҳамкор давлатлар билан муносабатларнинг юксалиш динамикаси, Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Франция, Германия, Италия, Япония, Корея Республикаси каби етакчи мамлакатлар билан стратегик шерикликнинг янги даражаси атрофича таҳлил қилинади.

Китобда, энг аввало, давлатлараро муносабатларнинг узоқ ва яқин тарихи, умумийлик, маданий ва диний қадриятлар муштараклиги, анъана ва урф-одатлар ухшашлиги каби омилларга ургу берилади. Бунда алоҳида қайд этиш керак бўлган жиҳат шундаки, мамлакатимиз раҳбарининг олий даражадаги ҳар бир ташрифи ёки олий даражадаги учрашувлари нафақат сиёсий-дипломатик, балки савдо ва иқтисодий-сармоявий, хавфсизлик, маданий-гуманитар мазмун-моҳият билан бойитилиб, аниқ келишувлар ҳамда йирик лойиҳалар асосий натижага айланаётгани муаллифнинг синчков назаридан четда қолмаган.

Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО, Халқаро меҳнат ташкилоти, Парламентлараро Иттифок, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Туркий давлатлар ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар билан тобора фаоллашиб, юксалиб бораётган алоқаларга ҳам кенг эътибор қаратилади.

Ўзбекистоннинг энг долзарб масалалар бўйича тутган мавқеи, тинчлик ва ҳамкорликка асосланган прогрессив ва конструктив ёндашувлари унинг тинчликсевар ташқи сиёсатида концептуал жиҳатдан мужассам этилган.

Сафдошимиз Қодир Жўраевнинг аксарият мақолалари «Adolat» газетасида ҳам чоп этилган. Унинг мазкур илмий-оммабоп китоби ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар соҳасида таҳсил олаётган талабалар, тадқиқотчи олимлар, мавзуга оид қалам тебратётган журналистлар учун фойдали манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ҳикмат



Мутолаа қилмай қўйган одам – ёшидан қатъий назар, 20 ёшми ёки 80 ёшми – тез қарийди, мунтазам ўқийдиган, яъни, мутолаа қиладиганлар доимо ёш бўлиб қолаверади.

Генри ФОРД

Одамлар китобларга ўхшайди: ҳарфлар ўша-ўша бир хил, аммо маъно-мазмун турлича.

Ги Де МОНПАСАН

ADOLAT

Муассис: «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исрол ҲАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Робохон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖЎРАЕВ
Зухра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Бўлимлар:

Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141) факс;

Газета 1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Камол Йўлдошев
Масъул котиб – Абдуғани Солиқов



Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 100

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Бюртма Г – 900

Адаби – 3004
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.